

---

## Янги ўқув йилидан масофавий ўқитиш жорий этилади

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик университети ҳамда Тошкент давлат педагогика университетида тажриба тариқасида босқичма-босқич масофавий ўқитиш шакли жорий этилади. Бу ҳақда ДТМнинг телеграмдаги каналида маълум қилинди.

([https://t.me/RasmiyDTM\\_DTM\\_uz/3415](https://t.me/RasmiyDTM_DTM_uz/3415)) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Адлия ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан 2020 йил 1 августга қадар:

- масофавий ўқитиш шаклини амалга ошириш тартиби белгиланади;

- дастурий-аппарат комплекси яратилади;

- тегишли ОТМларнинг ўқув жараёнига масофавий ўқитиш платформасини жорий этилади ва зарур бўлган ускуналар билан жиҳозланади.

2020-06-08 10:20:54